

## КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ, ЮЗАГА КЕЛИШ ОМИЛЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

*Тиллаев Хурийд Уразалиевич*  
*Ўзбекистон Республикаси Судьялар*  
*олий мактаби тингловчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада компьютер жиноятчилиги ва уни қўзғатувчи омиллар, компьютер жиноятчилигига қарши кураш усуллари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** компьютер жиноятчилиги, кибер жиноятчилик, ижтимоий тармоқлар, манфаат, жиноят, жавобгарлик.

### ИСТОРИЯ КОМПЬЮТЕРНОЙ ПРЕСТУПЛЕННОСТИ, ФАКТОРЫ ЕЕ ВОЗНИКНОВЕНИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются компьютерные преступления и их триггеры, а также способы борьбы с компьютерными преступлениями.

**Ключевые слова:** компьютерная преступность, киберпреступность, социальные сети, польза, преступление, ответственность.

### HISTORY OF COMPUTER CRIME, FACTORS OF ITS ORIGIN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

**Annotation.** This article discusses computer crimes and their triggers, as well as ways to combat computer crimes.

**Key words:** computer crime, cybercrime, social networks, benefit, crime, responsibility.

Ҳозирги кунда компьютер технологияларининг жадал ривожланиши ва кишилиқ жамиятининг барча соҳаларида Интернетдан кенг фойдаланиш кундалиқ фаолиятнинг бир қисмини ташкил этиб, хизмат кўрсатиш, илм-фан, таълим, электрон тижорат, шунингдек замонавий инсоннинг фикрлаш тарзига ўзининг ижобий таъсири билан кириб келди. Ҳаёт сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ушбу ўзгаришлар билан бир қаторда, жиноятчиликнинг янги шакллари ривожлантиришга қулай шароитлар пайдо бўлганлигини ҳам таъкидлаш лозим.

Компьютер технологияларининг кенг миқёсда ривожланиши бир вақтнинг ўзида кўп турдаги жиноятларнинг содир этилишига имкон яратди, ўз навбатида

ушбу турдаги жиноятларни аниқлаш ва уларни олдини олишда юқори билим ва касбий тайёргарликни талаб қилмоқда. Ахборот технологияларининг доимий ривожланиши ва Интернетнинг пайдо бўлиши билан “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар” тушунчаси шаклланди. Электрон жиноятларнинг асосий фарқи шундаки, уларнинг баъзилари компьютер ёрдамида (компьютер жиноятлари), бошқалари Интернет (кибержиноятлар) орқали содир этилади.

Ҳозирги кунда жамиятнинг барча муҳим функция ва вазифалари у ёки бу даражада компьютер, интернет тармоқлари ва ахборотларига боғлиқ. Айниқса, компьютерларнинг молия-иқтисод соҳасига таъсири кучли. Мазкур соҳада нафақат компьютер маълумотлари, балки оддий банкнотлар билан тенг қийматга эга бўлган “электрон пул” маблағлари қўлланмоқда. Пул ва бойлик муомалада бўладиган соҳада эса, уларни ўзлаштириш учун қонунни бузишдан ҳам тоймайдиган жиноятчилар ҳар доим ҳам топилади. Демак, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш бугунги кунда дунёда шиддат билан ривожланиб бораётган ҳамда чек-чегара билмайдиган жиноят экани билан ҳам хавфлидир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб «компьютер жиноятчилиги» тушунчаси, кейинчалик «компьютер билан боғлиқ жиноят», «компьютер орқали жиноят содир этиш», «электрон жиноятчилик» ва «юқори технологиялар жиноятчилиги», «виртуал жиноятчилик» тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса «кибержиноятчилик» ёки «глобал тармоқ жиноятчилиги» атамаси қўлланилмоқда. И.Тораходжаеванинг фикрича, ушбу тушунчалар яратилишидан асосий мақсад айти пайтда Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жиноятчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган.<sup>1</sup>

Умуман олганда, кибержиноятчилик тушунчаси ўтган асрнинг 60 йилларида интернет тармоғининг яратилиши билан боғлиқ бўлиб, 1962 йилда профессор Жон Ликлайдер ўзининг “Galactic Network” компьютер тармоғи орқали Интернет тармоғини яратиш концепциясига асос солган.<sup>2</sup>

Шундай қилиб, интернет тармоғи яратилиши билан биринчи интернет жиноятчиси вужудга келган ва у Жон Драпер (John Draper) исмли шахс бўлиб, Жон Драпер 1970-йилларда шаҳарлараро ва халқаро қўнғироқлар орқали

<sup>1</sup>Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. Т.: Юридик фанлар ахборотномаси – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. – Б.130.

<sup>2</sup> А.У.Анорбоев. Кибержиноятларнинг келиб чиқиш тарихи ва бугунги кундаги ривож. Т.: “Адлия соҳасида рақамлаштиришни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари” халқаро конференция материаллари. 2021 й. – Б.176

телефон тармоқларини бузиш билан шуғулланиши оқибатида дастлабки кибержиноятлар содир этилган.

Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили **500 миллиондан** ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда **12 нафар** инсондан бири кибер маконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг **60-65 фоизи** кибер ҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар **8,3 бараварга** кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб **5 фоизига** етган.

Хусусан, ноқонуний банк-молия операциялари орқали ўзгаларнинг пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш, зарарли вируслар тарқатиш, қимор ва таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, диний ақидапарастликка қаратилган ахборот хуружлари, онлайн савдо майдонидаги фирибгарлик жиноятлари кўпайиб бормоқда. Ачинарлиси, ахборот технологиялари ёрдамида ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қўл урган шахслар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этмоқда.

Республикамизда виртуал оламдаги қонунбузилишларнинг аксарияти **16-23 ёш** оралиғидаги ўсмир-ёшлар томонидан содир қилинмоқда. Бундан кўриниб турибдики, киберхавфсизликни таъминлаш масаласи бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар ва уларга нисбатан жавобгарлик кўзда тутилган.

Жумладан, ушбу кодекснинг 278<sup>5</sup>-моддасига кўра, ўзганинг компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш (компьютер саботаж):

- 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 66 млн 900 минг сўмдан 89 млн 200 минг сўмгача миқдорда жарима;
- 2 йилгача озодликни чеклаш;
- 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Шунингдек, мазкур ҳаракатларни гуруҳ бўлиб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этиш 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланганга сабаб бўлиши мумкин.

Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, компьютер техникаси ёрдамида содир этилган жиноятларни фош қилиш, улар юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини амалга оширишда криминалистик экспертизалар тармоғида жиддий камчиликлар мавжуддир. Бу камчиликларнинг оқими бевосита компьютер ва дастурий таъминот билимларига йўналтирилган бўлиб, соҳада етарли тажриба ва билимга эга бўлмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу мақсадларни инобатга олган ҳолда қуйидаги ташкилий вазифаларни:

- тергов амалиётида мунтазам равишда кибер жиноятчилик таҳлилин юритиш;

- ахборот-коммуникация жабҳасидаги жиноятларнинг мунтазам профилактикасини йўлга қўйиш;
- компьютер ҳамда ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятларга нисбатан “Кибер таҳдидга қарши Кибер мудофаа” корпусини ташкил қилиш;
- соҳада малакали кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етук мутахассис ходимлар тармоғини яратиш;
- энг аввало мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот, муассасалардаги компьютер ва дастурий таъминот қурилмалари учун кучли пароллар ва шифрлар тизимини йўлга қўйиш;
- мавжуд пароллар тизимини ҳар 3 ойда янгилаб туриш механизмларини жорий этиш;
- ахборотлаштириш ҳамда дастурлаш соҳаси юзасидан четдан мутахассис жалб этиш анъаналаридан босқичма-босқич воз кечиб, тергов идоралари тизимида мустақил экспертлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ тадбирларни мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб амалга ошириш зарурдир.

Бугунги кунда мазкур жиноятлар сони тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли жиноятчиликка, хусусан компьютер жиноятчилигига, айниқса, унинг уюшган турларига қарши самарали курашни ташкил этиш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

Ҳар бир компьютер фойдаланувчиси ва хизмат кўрсатувчилар кибер оламда ҳам ҳаётдаги каби эҳтиёткорликни унутмасалар, аксарият кибер жиноятларнинг олди олинган бўлар эди.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги Низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 апрелдаги 764-сонли “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни.
3. А.У.Анорбоев. Кибержиноятларнинг келиб чиқиш тарихи ва бугунги кундаги ривожини. Т.: “Адлия соҳасида рақамлаштиришни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари” халқаро конференция материаллари. 2021 й. – Б.170-184
4. Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари. Т.: Юридик фанлар ахборотномаси – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. – Б.128-132.
5. И.М.Каримов, Н.А.Тургунов, Ф.Кадиров, Х.К.Самадов, А.А.Иминов, М.Х.Джамалов. Ахборот хавфсизлиги асослари. Т. 2013 й.
6. <https://uza.uz/uz/posts/kiber-zhinoyat-tekhnologiya-yutu-larini-arazli-ma-sadlarga-y-04-08-2020>
7. <https://xs.uz/uzkr/post/kiber-zhinoyat-uchun-qandaj-zhavobgarlik-bor>
8. [https://inlibrary.uz/index.php/digitalization\\_in\\_justice/article/download/2812/2905](https://inlibrary.uz/index.php/digitalization_in_justice/article/download/2812/2905)